

Кўп қаватли уйларда ҳожат ва таҳорат бир жойда...

20:47 / 28.04.2017 8208

Шариатда таҳорат ибодат ҳисобида. Лекин ҳозирги кунда кўп қаватли уйларда ҳожат ва таҳорат бир жойда. Бунинг зарари йўқми?

"Шариатда таҳорат ибодат ҳисобида", деган гап бироз нотўғрироқ чиққан ҳисобида эмас, таҳорат шариатда ибодатдир. "Ҳисобида" деса бироз бўшроқ айтилган бўлади, таҳорат шариатда ибодат. Балки намознинг калити, таҳоратсиз кўп нарсаларни, ибодатларни қилиб бўлмайди. Ана энди ҳозирги кундаги кўп қаватли уйлардаги "таҳоратхона" деб атаётганимиз, "ҳожатхона" деб атаётган нарсамиз билан қўл юзни ювадиган, таҳорат қиладиган жой битта бўлиб қолганлиги савол тарзида келаяпти. Албатта бу каби уйларни қуриш, ана шу каби ҳожатхоналарни ташкил қилиш, мусулмон бўлмаган халқлар томонидан ихтиро қилинган, амалга оширилган ва жорий қилинганлиги оқибатида мана шу ҳолат юзага келган. Мусулмонларни мана шу нарсага эътибор бермаганлиги, бунга ўйлаб кўрмаганлиги, мана шу нарсага аввалгидек шариатга мувофиқ бўлишини, шунга ўхшаш саволларни чиқмаслигини ўйламаганликлари оқибатида мана шу нарса вужудга келган. Энди нима бўлса ҳам вужудга келди, тарқалди, мусулмон оламида ҳам мана шу нарсага гирифтор бўлинди. Энди мана савол чиқаяптики, бундай нарса зарарли эмасми, одатда ана шу ҳожатхонани ўзида турли демак чиқинди, ифлос ахлатлар бўлишлиги маъносида Аллоҳнинг исмини тилга олиш, дуолар қилиш мумкин бўлмай қолади. Балки унга кираётганда "Ауъзу биллаҳи минал хубуси вал ҳабаиси" деб паноҳ сўрайдиган дуоларни ўқиб туриб, кейин кириладиган ҳолатлари бор эди. Энди ҳаммаси бир жойда бўлиб қолди, нима қиламиз деган савол. Бу ерда уламоларимиз ўша нарсани бир ерда бўлишига ҳозир руҳсат беришган. Чунки қадимги таҳоратхоналардан фарқли ўлароқ ҳозиргиларида демак ахлат тўпланиб қолмайди. Балки ҳаммаси ўз вақтида сув билан оқизиб юборилади, деярли таҳоратхонани ичида ахлат туриб қолиш имкони ҳам йўқ. Ана шу маънода баъзи-бир кишилар одатдагидек дуоларни ўқиб баъзи-бир ҳадис ёки оятларда келган сўзларни ўша ерда ҳам айтаверсак, такрорлаверсак бўладими, йўқми деган саволларни ҳам беришади. Бунда баъзи-бир уламолар ўша ахлатни туриб қолмаслиги эътиборидан, сув ювиб доим тозаланиб туриш эътиборидан дуо ўша ёки баъзи-бир зикрларни айтаверса бўлади,

деганлари ҳам бор. Лекин, нима бўлса ҳам таҳоратхона, уни маҳкам ёпиладиган қилинганми ёки сувда билан оқиб кетадиган қилинганми барибир шу номи бор, ўша нарсани ўша ерда бўлиши бор. Шунинг учун таҳорат қилса майли, ғусл қилса майли, ўша хожат қиладиган жойида, лекин ўша дуоларни овоз чиқариб ўқимагани афзал дейилган уламоларимз ҳам борлар.